

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

ПАЙШАНБА



ТОШКЕНТ ТО'QQASHMOLI

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 1-2 (10.054-10.055)

2004 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Ассалому алайкум, азия ватандошлар!

Авваламбор, мана шу файзли оқшомда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб, янги йилни кутиб олаётган сиз, қадрли юртдошларимни ушбу кулуг аёйём билан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Шу ҳаяжонли дақиқаларда барчамиз кириб келаётган янги йилни катта орзу-умидлар билан қарши олар эканмиз, шу билан бирга, якунига етаётган йилда бошимиздан кечирган муҳим воқеаларни ҳам беихтиёр хаёлимиздан ўтказамиз.

Очик тан олишимиз керак - ўтиб бораётган йил юртимиз учун осон бўлгани йўқ. Эришилган ютуқларимиз билан бир қаторда биз ўз олдимизга қўйган кўпгина марраларга етиб боришда анча қийинчилик ва тўсиқларга дуч келдик, айрим муаммоларни ечиш оғир кечди.

Айниқса, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалик соҳаси учун нуқулай келган об-ҳаво ва табиий иқлим машаққатларини енгиб ўтишга, бу йилги ҳосил учун жуда кўп меҳнат қилишга тўғри келди.

Шуларга қарамаддан, 2003 йил Ўзбекистон тарихида кенг миқёсдаги ислохотларни амалга ошириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш йўлидан изчил олға бориш йили бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бу ўзгаришлар, аввало, юртимизда бўлаётган катта бунёдкорлик ва ободончилик ишларида, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ўсиш суръатларида, одамларнинг ҳаёт шароити сезиларли даражада яхшиланиб бораётганида, миллий валюта — сўмимизни мустаҳкамлаш, унинг эркин алмашувини таъминлашда ўз ифодасини топмоқда.

Бундай ижобий ҳолат айниқса халқимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган инфляциянинг кескин қамайишида, нарх-навоининг жиловланишида яққол намоён бўлмоқда. Бу кўрсаткич 2002 йилда 21 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда 4 фоиздан ошмагани ҳам буни исботлаб турибди.

Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалмоқда, хорижий шериклар билан ҳамкорлигимиз кўлами ва самарадорлиги, уларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритаётган инвестициялари ҳажми ортиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, 2003 йилда иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида кўлга киритган натижаларимиз, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонимизнинг қуч-қудрати ва салоҳиятини оширишга, эркин демократик жамият барпо этишга, халқимизнинг ҳаётини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшди, десак, асло хато бўлмайди.

Бунинг боисини — аввало диёримизда сақланиб келаётган ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий барқарорликда, миллати, тили, дини ва эътиқодидан қатъи назар, одамларимизнинг онгу тафаккурда юртимиздаги тинч ва осуда ҳаётни ҳимоялаш керак, тинчлик учун курашиш керак, деган тушунчанинг тобора кучайиб бораётганида қўшимчиз зарур.

Бунинг боисини — мана шу муборак заминда яшаётган инсонларнинг кескин ўзгариб бораётган дунёқарши, ҳаётга фаол муносабатида, мамлакатимизда ва ён-атрофимизда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, бугунги ва эртанги кунга бўлган ишончида, деб қабул қилишимиз даркор.

Мен ана шундай эзгу мақсад ва мудиоаларимизни амалга оширишнинг ижодкори ва бунёдкори бўлиш сиз, азия юртдошларимизга, шу йўлда қўлаётган фидокорона меҳнатингиз учун, ҳаётимизни янгилаш, ҳеч кимдан кам бўлмаган даражага етказиш ишига қўшаётган ҳиссангиз учун яна бир бор барчангизга таъзим қилишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Мухтарам юртдошлар!

Санокли дақиқалардан сўнг курантлар садоси юртимизга янги — 2004 йил кириб келганидан дарак беради.

Биз янги йилда жамиятимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини давом эттириш, аввало, изланиш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу тоифанинг ҳаётимиздаги таъсири, улуғли ва самарасини ошириш ҳисобидан ҳам давлат, ҳам оила, ҳам инсон иқтисодини юксалтириш мақсадини ўз олдимизга қўймоқдамиз.

Биз ҳаёт тажрибамизда ўзини оқлаган ибратли анъанага амал қилиб, янги йилни мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилганимиз мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаган сиёсатимизнинг мантикий давоми экани ҳам сизларга яхши аён, деб ўйлайман.

Бу борада бизнинг мақсадимиз — мана шу эзгу ва савобли ишларимизга давлат идоралари ва жамоатчилигимизнинг эътиборини жалб қилиш, барча юртдошларимизни бу хайрли ишга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшишга даъват этиш, аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг қалби ва онгида инсоний қадриятларни мустаҳкамлашдан иборат.

Ишончим комилки, бағрикенг халқимизга Яратганимизнинг ўзи ато этган азалий фазилатлар - ногиронлар, етим-есир ва бева-бечораларнинг бошқача силлаш, қаровсиз ва ёлғиз кексаларга, муҳтож оилаларга ёрдам ва қўмак бериш каби олижаноб аломатлар янги йилимизда янада ёрқин намоён бўлади.

Мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, барча ватандошларимизга қарата, азияларим, бир-биримизни асраб-авайлайлик, бир-биримиздан меҳримизни дариг тутмайлик, меҳр-оқибатли бўлайлик, деб даъват қилмоқчиман. Бу даъват мана шу саховатли заминимизда истиқомат қиладиган инсонларнинг, бутун жамоатчилигимизнинг юрагига етиб боради ва акс садо беради, деб ишонаман.

Мухтарам ватандошларим!

Мана шу бетакор ва шуқулли лаҳзаларда барчангизни бағримга босиб, сиз, азияларимизга ўз ҳурмат-эҳтиромимни билдириб, самимий тилақларимни изҳор этмоқчиман.

Янги йилда энг эзгу орзу-умидларингиз рўёбга чиқсин!

Янги йил ҳар қайси оила ва хонадонга яхшилиқ, бахту саодат, файзу барака олиб келсин!

Кексаларимизнинг умрини, ёшларимизнинг бахтини берсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

XVI саодоси
Барча малбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Тошкентдаги «Туркистон» саройида бошланган «Президент арчаси» байрам тантаналари республикаимизнинг барча вилоятларида кенг миқёсда давом этмоқда. Ушбу тадбирларда эҳтиёжманд, серфарзанд оилалар фарзандлари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, боқувчисини йўқотган болаларга Юртбошимиз номидан Янги йил совгалари топширилмоқда.

● Республика Фан ва технологиялар марказида илғор талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендианти гувоҳномаларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

● «Тошкент—Самарканд» йўналиши бўйлаб қатнайдиغان тезорар электр поездининг ҳаракати йўлга қўйилди.

● Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўرғазмалар залда «Табият ва рассом» кўрғазмаси очилди.

● «Ўзбекнаво» эстрада ижодий бирлашмасида ўтказилган йилги йилда 10-13 февраль кунлари бўлиб ўтадиган «Азия она юртим навалари» номи республика эстрада қўшиқчилари фестивалига ҳозирлик ишлари муҳокама қилинди.

● Қизилтепа туманида нишонланган «Хосил байрамидеда бир гуруҳ меҳнат илғорларига «Тикон», «Дамас» енгил машиналари ва бошқа қимматбаҳо муҳофотлар топширилди.

Жаҳонда

● Ливия пойтахти Триполида жойлашган тўртта аълоий иншоотлар МАГАТЭнинг халқаро инспекторлари назоратидан ўтказилди. Олиб бориш текширувлар Ливия атом бомбаларини ишлаб чиқаради, деган гумонларга барҳам берди.

● Покистон Ахборот вазири Рашид Аҳмадининг таъкидлашича, Президент Парвез Мушаррафга уюштирилган суиқасд Кашмир ва Афғон террорчи гуруҳлари томонидан ташкиллаштирилган.

● Эрон ташқи ишлар вазирлигининг сўнги маълумотида кўра, Эроннинг қадимий Бам шаҳрида рўй берган зилзила қўрбонлари сони 50-миң кишига етиши мумкин.

● Бағдод шаҳри марказида радио билан бошқариладиган мина портлатилди.

● АКШда қучли қор ёғиши натижасида Калифорния ва Оригона штатлари ўртасидаги йирик автомобиль йўлида ҳаракатланиш тўхтади.

● Австралияда яна бир келажак автомобили синови муваффақиятли якунланди. «Аполлодин» деб номланган машиналар кундузи қуёш батареяси, кечалари эса водород ёрдамида ҳаракатта келади.

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кўни**
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА
сатрларда

● **КЕЧА** шаҳримиздаги меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларида Янги йил байрами кенг нишонланди. Унда жажжи болажонларга Тошкент ша-

ҳар ҳокимлигининг байрам совгалари топширилди. Тадбирлар ажойиб уйин-кулуг ҳамда томошаларга бой бўлди.

● **РЕСПУБЛИКА** болалар полиомизлит марказида Меҳр ва мурувват йили ҳамда Янги йил муносабати билан ўтказилган хайрия тадбири Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан уюштирилди.

● **МИЛЛИЙ** матбуот марказида ташкил этилган семинар-машғулот иқтисодиёт соҳасида қалам тебратётган журналистлар малакасини оширишга бағишланди.

● **МЕХНАТ** ва уруш фахрийлари республика пансионатида бўлиб ўтган хайрия тадбири Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Республика «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди.

● **ЭКОЛОГИК** жиҳатдан энг тоза маҳсулот ишлаб чиқариб йил якунларига кўра тақдирланган «ПГС» корхонаси ўзининг 10 йиллигини нишонлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.



Тошкент ислом университетида «Бағрикенглик ва меҳр-мурувват— жамият тараққиёти омили» мавзuida илмий-амаллий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Вазирали Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Анжуманда мамлакатимизда му-
стақиллиkning дастлабки йилла-
риданок инсон қадр-қиммати,
хуқуқ ва манфаатлари энг юксак
қадрият сифатида эътироф эти-
либ, жамиятимизда аҳиллиқни, фу-
қароларимиз орасида миллатлара-
ро дўстлик муҳитини мустахкам-
лаш борасида талай ишлар амал-
га оширилаётгани таъкидланди.

Кириб келаётган 2004 йил мамлакатимиз Президентини Ислом Каримов ташаббуси билан Мехр ва мурувват йили деб эълон қилиниши юртимиз аҳолисининг бир-бирига меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди. Бу фуқароларимизда баргикенглик маданиятини тарбиялаш, кишилар қалбида меҳр-мурувват тўйусини камол топтириш ҳамда бу борадаги ишларни амалга оширишни бутун жамият ҳаёти тарзининг узвий қисмига айлантириш йўлидаги барча ишларни янада кучайтиришда диний муассасалар ва уламолар зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклайди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов иштирок этди.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

**ЭРОНГА
ИНСОНПАРВАРЛИК
ЁРДАМИ**

26 декабрда Эрон Ислом Республикасининг Бам шаҳрида рўй берган кучли zilзила жаҳон аҳлини ларзага солди.

Табиий офат Бам шахрини бутунлай вайрон қилди. Оқибатда ўттиз мингга яқин одам қурбон бўлди. Минглаб одамлар жарохат олди.

Айни пайтда Эрон халқига дунёнинг турли бурчакларидан ёрдам жўнатилмоқда.

30 декабрь кунги зилзилада жабр кўрган Эрон Ислам Республикаси халқига Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан инсонпарварлик ёрдами жўнатилди. Иссик кийим-кечак, ариқча, болалар кийимлари, пайпоқлар, дори-дармон, сазик-сават, ичимлик суви, йигирмата қодир ҳамда кўрпа-тўшаклардан иборат жами ўн уч тонна инсонпарварлик юки «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси орқали Эроннинг Керман шаҳрига етказилди.

Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавуллода ва мухто элчиси Мухаммад Фатхали Эрон халқи бошига кулфат тушганда биринчилардан бўлиб ёрдам кўрсатган Ўзбекистон халқига, шахсан Президентимизга катта миннатдорлик билдирди. Ўзбек халқининг беминнат ёрдамини халқимиз ҳеч қачон унутмайди, деди элчи.

Шу кунийк Керман аэропортида Ўзбекистон Республикаси Фавқуллод вазиятлар вазирлиги масъул ходимлари томонидан етказилган инсонпарварлик юки Ўзбекистоннинг Эрондаги элчихонаси вакиллари иштирокида Эрон Ислам Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига топширилди.

(Ÿ3A)



Катта тантана ва эзгу ниятлар билан қарши олганимиз — янги 2004 йил ҳам қирқиб келди. Бутун мамлакатимиз бўйлаб байрам шукухи кезиб юрибди. Ҳаммамнинг юзида қувонч, қалбида сурур. Юртовбимиз томонидан «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинган Янги йил ана шундай кўтаринки ва хушнуд қайфиятда бошланмоқда.

Меҳр ва муруват тушунчалари азалдан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Шу босидан юртдошларимиз бу йилни ўзгача кувонч



Байрамнинг, аниқсга кириб келаётган Янги йилнинг шодиёна ўтишида дастурхонимиз фаизи алоҳида ўрин эгаллайди. Бунда, албатта уй бекаларининг маҳорати, шу билан бирга тантанасда алоҳида совғалар ҳозирлаётган корхоналар аҳлининг ҳиссаси катта бўлади. Хўш, шахримизда фаолият кўрсатаётган корхоналар дастурхонимизни нималар билан бойитади?

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

● «ШОДЛИК» қандолат комбинатининг фаолият кўрсатаётганига эндигина бир йилдан ошди. Лекин бу ерда тайёрланаётган қандолат маҳсулотларининг таъми оғзингизда қолиши билан бирга, дастурхонингизга алоҳида чирой бахш этиб, кайфиятинингизни кўтарди. Корхона ҳемлаҳлари аини кўнларда маҳаллий ҳук ашёдан 50 дан зиёд турдаги ширинликлар тайёрланмоқда. Янги йил дастурхони учун ишлаб чиқарилаётган печенье, пирожний ва торт маҳсулотлари хариддорларни ҳўшнуд этиши шўбҳасиз.

■ «GREEN WORLD» қўшма корхонасида эса замонавий линияларда республикамызда етиштирилаётган мева ва сабзавотлардан тайёрланган табиий шарбат, пюре ва жем маҳсулотлари шахримиздаги барча савдо шохобчаларида сотилмоқда. Ушбу маҳсулотлар қадқуяниши, сифати билан ҳам дастурхонга фойз, ҳам истеъмолчига ҳузур бағишлайди. Улар қишда ёз неъматлари ўрнини бемалол босади.

● «ПОМИР ШАЙХ» қўшма корхонасининг 90 кишилик жамоаси байрам тайёр-ларини қўзғиб олиб боришди. Улар ҳам-шаҳарларимиз дастурхонига 15 хилдаги оғзингизда эриб кетадиган печенье ва икки турданга қадокланган кекс ширинликлари-ни тавсия этишди. Ушбу сара маҳсулот-лар Эрондан келтирилган замонавий ли-нияларда малакали қандолатчилар томо-ндан тайёрланиб, шаҳримиздаги 15 та дўконда сотилимда.

● Поштахимидаги «TUFIN» Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонасида ҳам жорий йилда иккита янги цех ишга туширилди. Натижада маҳсулотни қадоклаш учун кутилар ишлаб чиқарилмоқда. Вафли цехи эса сифатли маҳсулот билан харидорларни хуш

ва эзгу ниятлар билан кутиб олди. Юртимиз бўйлаб инсонпарварлик, бағрикенглик ва меҳроқибат билан боғлиқ тадбирлар, хайрли ишлар аλλαқачон бошлангб кетган. Мамлакатимизнинг турли гўшаларида «Меҳр ва мурувват йили»нинг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирувчи сурат ва лавҳалар кўрк бағишлаб турибди.

СУРАТДА: пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан биридаги рангли панно.

А.ТЎРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Ғытловлар

Абдулрахман АБАНМАЙ,
Саудия Арабистони подшоҳ-
лигининг Ўзбекистондаги Му-
ваққат ишлар вакили:

— Янги йил байрами билан Ўзбекистон Республикаси президенти Ислон Каримов жаноби олийларини, Ўзбекистон ҳукуматини, биродар ва дўст ўзбек халқини чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ҷаратан Тангри таолодан
ўзбек халқиға, ўз юртимға ва
бутун дунё аҳлиға сиҳат-сало-
матлик, бахт-саодат ва тинч-
лик-тотувлик тилаб қоламан.

Шу ўринда қайд этмоқчиманки, Саудия Арабистони подшоҳлиги билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Хусусан, маданий-маърифий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий соҳаларда янгидан янги ҳамкорлик қирралари очилмоқда. Иккала давлатнинг таълим соҳасидаги ҳамкорлигини янада кенгайтириш мақсадида янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон ва Саудия Арабистони подшоҳлиги ўртасидаги дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига ишончим комил.

Ким Сонг ХВАН,

Корея Республикасининг
Ўзбекистондаги Фавқулодда
ва Мухтор элчиси:

— Янги йил байрами муносабати билан шахсан ўзим ва элчихонамиз аъзолари номидан бутун Ўзбекистон халқини жаноб президенти Ислон Каримов раҳбарлигида ўтган йиллар даврида эришилган катта муваффақиятлар билан чин юракдан табриклайман.

Ўзбек халқига бахт ва фаронглик, тинчлик, осойишталик ва ривож тилайман.

Корея ва Ўзбекистон дўст
мамлакатдир ва биз хайрли
мақсадлар йўлида ҳамиша ҳам-
корликка тайёرمىз.
Дўстлигимиз бокий бўлсин.



— Фаррух Каримович, аввало сизни Янги 2004 йил билан ҳамда Ватанимизнинг юксак мукофоти «Дўстлик» ордени соҳиби бўлганлигини билан чин дилдан кутлаймиз. Мана 2003 йил ҳам ортда қолди. Ай-

тингчи, ушбу йил ҳақимиз маданий ҳаётида ва шахсан ўз ҳаётигизда қандай ўлмас из қолдирди?

— Аввало табригингиз учун раҳмат. Албатта ҳукуматимиз томонидан шундай юксак мукофотга сазовор бўлганимдан жуда хурсандман. 2003 йилни кузатар эканмиз, ўйламанки ушбу йил мамлакатимиз, шу жумладан шахримиз ҳаётида анча самарали ва ютуқларга бой йил бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Нафақат санъат ва маданият соҳасида, балки бoшқа соҳаларда ҳам бу йил самарали кечди.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда энг катта навуз ва Мустақиллик байрамлари улкан шодийлар билан тантанали нишонланмоқда. Байрам дастурларининг файзига байланиб жозибали ва мазмунли ўлка-замида албатта санъаткорларимизнинг хизматлари катта. Навруз байрамида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан санъаткор ва бадий ҳаваскорлик жамоалари ўз йўналишлари бўйича қатнашиб келмоқдалар. Бу байрамлар муносабати билан қўни-на вилоятларда сафарда бўлган. Шунда кўп янгиликларнинг гувоҳи бўлган. Утган йили Фаргона vodiysida бўлганимда шу нарсани билдимки, санъатимиздаги битмас-туганмас бойлик — бу халқ ижодиёти. Шунингдек Наманган вилоятидаги фольклор йўналишидаги халқ миллий ижодиётини кўриб хайратда қолдим. Ўйламанки бугунги кунда миллий анъаналаримизни ўзида сақлаган миллий руҳдаги мумтоз халқ кўшиқларига эътибор ва қизиқиш кучайиб бормоқда. Бу борада мамлакатимизда миллий байрамларимиздан ташқари, ёш овозларни таниш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли хил кўрик-танловлар, фестивал ва кўшиқ байрамлари мунтазам ўтказилмоқда. Бу байрамлар шунанки шодийна эмас, балки миллиятнинг маънавияти, руҳи, гурури, қадр-қиммати тиланётганидан далолатдир.

Мана 4 йилдирки истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида шахримизда Нихол мукофоти бўйича танлов ўтказилмоқда ва соҳибдорлар аниқланиб, ушбу мукофот билан тақдирланмоқ-

да. Бу жуда ҳам юқори талабдаги танлов бўлиб, мукофот соҳибдорларининг кўпчилиги бугунги кунда Ватанимизнинг юксак ўнвонларига сазовор бўлишмоқда. Бу йилги қўлиблар орасида сеvimли ёш хонадалар Самандар, Д.Мирзахўжаева,

— Бу лавозимга ўтишимдан олдин албатта ўйлаб қолдим. Тўғри, вақт кам қолган. Ташкилий ишлар, тадбирлар кўп. Илгари фойдаланиш мумкин бўлган вақтларнинг қадрига етмас эканмиз. Буни ҳозир тушунаётимиз. Биламизки, муҳис-

ларимиз биздан янги қўшиқлар, дастурлар кўтишяпти. Албатта муҳисларимизни Янги йилда ҳушнуд қилишга ҳаракат қилишимиз. Гўруҳимиз аъзолари билан доимо ижодий изланишдамиз. Бу йил «Ялла» гўруҳи ташкил топганига 33 йил тўлди. Бундан кейин ҳам халқимизга манзур бўладиган қўшиқлар яратиш ниятидамиз.

— Янги йил Президентимиз томонидан Меҳр ва мурувват йили деб номланди. Шундай экан ушбу йилнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат деб ўйлайсиз?

— Президентимиз ташаббуслари билан 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб номланишида албатта чуқур маъно ва мазмун бор. Меҳр-мурувват ўзбек миллиятининг ҳаётига доимий сингиб кетган фазилат. Ўзим маҳаллада туғилиб ўсганман. Унинг ҳаётидан хабардорман, маҳалланинг энг асосий ғояси, мақсади — Меҳр-мурувват, саховат, оқибат. Қўни-қўшининг ҳаётидан хабардор бўлиш, илоҳи борица бир-бирига ёрдам бериш, яхши-ёмон кўнларидан елкадош бўлиши анъанавий одатга айланган. Ўйламанки, Меҳр ва мурувват йилида асосий мақсад инсонларни яна ҳам савоб ва эзгу ишларга ундашдан иборат бўлади.

— Юртдошларимизга Янги йил тилакларингиз...

— Янги йилда юртимиз янада тинч ва фаровон бўлсин, гуллаб-яшнасин. Юртдошларимизга, асосан барча баркамол оилаларимизга осойишталик, омонлик, бахт-саodat, файз-барака тилайман. Яна битта тиланим борки, инсонларда санъатга, айниқса кўшиққа бўлган илҳос ҳеч қачон йўқолмасин, ана шунда ҳаёт янада қизиқарли ва мазмунли ўтади. Яна бир бор Янги йилнинг муборак бўлсин Азизлар!

— Мазмунли сўхбатингиз учун сизга ҳам ташаккур.

Дилором ИКРОМОВА
сўхбатлашди

Сиз кўнган қўнаниш

ЭЗГУЛИККА ЧУЛҒАНСИН ДУНЁ



Бугунги кунда эга таниқли бўлган санъаткорларимиз орасида «Ялла» эстрада вокал гўруҳи раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокировни етти ёшдан етмиш ёшгача яхши танийдим албатта. Миллий кўшиқчилик ва миллий эстрадамиз пойдевориши бошлаб берган Карим Зокиров ва Ботир Зокировлар сулоласининг давомчиси бўлган сеvimли санъаткоримиз санъат ва маданий ҳаётимиз тараққиёти йўлидаги улкан ва самарали хизматлари учун Мустақиллик байрами арафасида «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Биз Янги йилимизнинг кўтулғ оstonасида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг ўринбосари, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров билан дилдан сўхбатлашдик.

И.Саидумаров, А.Солиев, Д.Мирзахўжаева ва бошқалар бор. Бундан ташқари яна катта тадбирлардан бири кўна Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда бир бор ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалидир. Ушбу фестивалга йилдан йилга эътибор ошиб борапти. Унинг географияси ҳам кенгайиб борапти. Бу фестивалда ҳам ўз овози, истеъдоди эга бўлган санъатимиз юлдузлари иштирок этиб, Ўзбекистонимиз санъати довуруғини жаҳонга танитмоқдалар. Шунингдек ёш, истеъдодли мусиқа икxосмандлари, бастакорлар, рассомлар еттишиб чиқиб халқаро танлов ва фестивалларда иштирок этиб, муносиб ўринларни эгаллашмоқда. Буларнинг ҳаммасини албатта санъатимиз соҳасида эришилган ютуқлар деб ўйлаيمان.

Шахсий ҳаётимда ҳам 2003 йил эсда қоладиган, мазмунли йил ҳисоблангани. Ҳукуматимиз томонидан юксак мукофот «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. Бундан жуда ҳам хурсандман. Шу билан бирга оиламизда яна бир қувончли воқеа рўй берди — ўғлимни ўйлантириб, келинлик бўлдим. Булар албатта мен учун катта бахт.

— Фаррух ака, сиз айти кунда санъат ва маданият борасида масъул лавозимдасиз. Доимо ташкилий ишлар билан бандсиз, тадбирларга бош-қошсиз. Айтингчи, бу ишлар билан бўлиб гўруҳингиз фаолиятига, ўз ижодингизга вақт ажратга ола-сизми?

РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРАМИЗ

• Абдурахим МИРАҲМАД, «Орзу-ош тузи» шўъба корхонаси директори:

— Ўзбекистонда тадбиркорликка қаратилган катта эътибор, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлардан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз — йодланган ош тузи сифатини ошириш, рақобатбардошлигини таъминлаш йўлида изланаяпмиз.

Ҳозирда жамоамиз аҳли томонидан замонавий линияларда маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган 3 турдаги маҳсулотимиз ички бозорда ўз харидорларига эга. Албатта, ўтаётган йил бажарган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ютуқларимиздан қувондик. Негаки, «Ташаббус» кўрик-танловининг туман босқичида «Энг яхши тадбиркор» номига, шаҳар босқичида эса «Энг яхши қадоклаш эстетикаси учун» йўналишида бoш совринга сазовор бўлдик. Йил якунида, шубҳасиз 2004 йил режалари, орзулари қалбимизда мужассам. Энг муҳими эса Хитойдан замонавий дастгоҳлар келтириб ош тузаларимизнинг сифатини янада ошириш, намлигини камайтириш, маҳсулот экспортини йўлга қўйиш ниятидамиз. Бу эзгу ниятимизга фақат изланиш ва баракали меҳнат, тадбиркорлик билан иш юритиш асосида эришамиз.

Қўнловлар

Дэвид ЭППЛТОН,
АҚШнинг Ўзбекистондаги
Муваққат ишлар вакили:

— Америка Қўшма Штатлари ҳукумати ва Америка халқи номидан Ўзбекистон халқига кириб келаётган Янги йил байрами муносабати билан самимий кутловлар йўллашдан фойда мамнунман.

Икки йил муқаддам АҚШ ва Ўзбекистон орасида Стратегик ҳамкорлик келишуви имзоланган эди. Мазкур келишув АҚШ ва Ўзбекистон орасидаги Стратегик шерикликни ташкил этувчи асосий соҳаларда акс этади. Тошкентдаги АҚШ элчихонаси ушбу вазифаларнинг ҳар бирини олға суришда фаол иш юритмоқда.

Хавфсизлик масалаларидаги ҳамкорлигимиз қанчалик муҳим бўлгани каби, сиёсий ҳуқуқлар ва инсон ҳуқуқларини илгари суриш ва кенгрок иқтисодий фаровонлик яратиш учун иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш йўлида Ўзбекистон билан бирга иш олиб боришимиз ҳам Америка Қўшма Штатлари учун бирдек ўта муҳимдир.

Минтақада қанзугача бир қатор таҳдидлар мавжуд. Гиванд моддалар олди-соттиси, терроризм, қурол-яроғ муаммолари, инсон траффики шулар жумласидандир. Шунини айтиш лозимки, Ўзбекистон ҳукумати мазкур масалаларни ҳал қилиш йўлида ишончли шерик бўлиб келмоқда.

Сўнгги йилларда бизнинг ўзаро муносабатларимиз янада яқинлашди, яқунланган йил ҳам бундан мустасно эмас. 2003 йил ўзаро таширларга бой бўлиб АҚШ делегациялари Ўзбекистонда, Ўзбекистон расмий вакиллари эса АҚШда бўлиб қайтилар. 2003 йилда биз соғлиқни сақлаш, сув лойиҳалари, нодавлат, нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш ҳамда таълим соҳаларига махсус ёрдам ажратдик.

2004 йилда, ушбу соҳаларда иш олиб бориш ҳамда ҳамкорлик ва шерикликнинг янги йўналишларини топишга ишонч билдириб қоламиз.

Америка Қўшма Штатлари ривожланиш йўлида бораётган ва фаровон келажака интилаётган Ўзбекистон билан ҳамкорлик давом этишини тилаб қолади.

Янги йилингиз билан!

Хасим САМХ,
Индонезия Республикасининг
Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва
Мухтор элчиси:

— Кириб келаётган Янги йил байрами билан шахсан ўз номидан, Индонезия халқи номидан бутун Ўзбекистон халқини қизгин кутлайман.

Ишонаманки, янги йилда Индонезия ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва биродарлик алоқалари янада ривожланади ва мустаҳкамланади.

Имкониятдан фойдаланиб Ўзбекистоннинг одил ва оқил Юртбошиси Илҳом Каримов бошчилигидаги ўзбек халқига Янги йилда маданий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда тараққиётлар, тинчлик ва осойишталик ва барча эзгуликларни тилаб қоламиз.

Янги йил орзулари

НУРАФШОН ДИЛЛАР

• Хасан МАМАСАИДОВ, «Офис-Маркет» хусусий корхонаси тижорат директори:

— Ўтаётган йилни сарҳисоб қилар эканмиз, Янги йил орзулари дилларимизни нурафшон этиши шубҳасиз. Негаки, кўзлаган, лекин амалга ошира олмаган эзгу ниятларимиз келаётган йилда ижобат бўлишига ишонамиз. Албатта, ўтаётган йилда қоғоз маҳсулотларимиз тури ва сифати ортди, 20 га яқин ишчи ўринлари яратишга, янги замонавий савдо мажмуасини ишга туширишга муваффақ бўлдик.

Янги йилда янги турдаги қоғоз ва этикетка маҳсулотлари таъйёрлаб, уларнинг рақобатбардошлигини оширишни, Хитой, Финляндия давлатлари билан ҳамкорлик қилишни, янги савдо шохобчаларини ишга туширишни мўлжаллаганмиз. Мақсадимиз талаблар даражасидаги маҳсулотларимиз ички бозорда муккамал ўрин эгаллаб, ҳар бир хонадонга кириб борсин.

Барчамизга Омад Келтирсин

Турсунали ҚҶЗИЕВ,
Ўзбекистон Бадий
академиясининг раиси:

— Биз осуда, дориломон кунларда яшамокдамиз. Ҳар бир ўтаётган йилимизнинг мазмуни ўзгача. Буларнинг ҳаммаси бир мақсадга қаратилган. Яъни халқимизнинг янада бахтли, фаровон турмуш кечириши, оилалар саломатлигини муҳофаза қилиш, меҳроқибат, мурувватли бўлишга қаратилган.

Ўз ниҳоясига етган Обод маҳалла йилида мамлакатимизда айниқса қурилиш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари кенг қўламда амалга оширилди. Шаҳримиз қиёфаси янада гўзаллашди. Шунингдек, санъат соҳасида ҳам эришилган ютуқларни санаб ўтиш мумкин. Жумладан, ўзини ўзи бошқариш ва багрикентлик маскани бўлган маҳаллага бағишланган йилда Ўзбекистон Бадий академиясининг Замонавий санъат маркази, Марказий кўргазмалар зали, Тошкент фото уйи, Иқоу Хирояма маданият Карвон саройи, санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ва бошқаларда санъатнинг анъанавий, замонавий, тасвирий йўналишларида турли-туман кўргазмалар, лойиҳалар, фестиваллар ўтказилиб, элимизга маданий хизмат кўрсатилмоқда. Айниқса Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда ўтказилган Халқаро конференцияларда маърузалар билан қатнашган бир қатор тарихчи, археолог, санъатшунос олимларимиз, шунингдек юзлаб вернисажларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Шунингдек улар орасида кенг миқёсда ўтказилган «Менинг маҳаллам» Республика бадий кўргазма танлови ва иккита фотокургазма, фото ўстаси Турсун Алининг Японияда ва Бельгияда ўтказилган кўргазмаси ва бошқаларни таъкидлаш мумкин.

2003 йилда Ўзбекистон Бадий академияси академиклари ва ижодий муваффақиятлари учун бир қатор ижодкорлар ҳукуматимизнинг юксак мукофоти — «Дўстлик» орденини Президентимизнинг қўлларидан олиш шарафига муассар бўлдим. Бу албатта менинг камтарона меҳнатимга берилган баҳо ҳамда республикамиз Рассомлари, Бадий ижодкорлар уюшмаси жамоаси, Бадий академиянинг хизматлари ва ютуқлари ҳамда келгусида янада катта гайрат билан ишлашимиз учун деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб Янги йилда Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси, Бадий академия жамоаси номидан санъатсевар ва ижодкор халқимизга тинчлик, фаровонлик тилайман. Меҳр ва мурувват йили юртдошларимиз қалбига фақат яхшилик, меҳроқибат, эзгулик уруғини сочсин. Янги йил барчамизга бахт ва омад келтирсин!

Бугун айни Янги йил, янги орзу-ниятлар эшик қоқатган паллада сизга таништирмоқчи бўлаётган Ферузахон Умурузокова ҳам ҳар томонлама тенгдошларига ўрناк бўлаётган тиришқоқ толиби илмлардан биридир.

Ёшлигидан тийрак, зеҳли қизалоқ 1992 йилдан 2001 йилгача 200-ўрта мактабда фақат аъло баҳо-ларга ўқиб, синфдошлари орасида ўз иқтидори, уқуви ва билим олишга қизиқиши ва ҳаракатчанлиги билан ҳамisha ажралиб турди. Ўқувчилик давридаёқ туман олимпиадаларида қатнашиб юқори ўринларни эгаллади ва қатор Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Шунингдек, спортнинг таэквандо ва сузиш турларига мунтазам қатнашиб келди. Шу билан бирга компьютер технологияси ва чет тилидан махсус курсларга қатнаб, имтиёзли дипломга эга бўлди, тикиш ҳамда тўқиш тўғра-ларига ҳам қатнаб, ҳунар эгаллади. «Ёшлар» телеканалдаги «Янги авлод» студиясининг «Билангон мас-лаҳати» кўрсатувига икки йил мобайнида бошловчилик қилди ва «Бе-гойим» кўрсатувиди ҳозирга қалар иштирок этиб келмоқда.

Мактабни аъло баҳоларга тугал-лаган Ферузахон 2001 йилда катта орзу-ниятларни кўзлаб Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик коллежига

ўқишга кирди. Ўқиши мобайнида намунали ўзлаштириш билан бирга она тили ва адабиёти фанидан бўлиб ўтган шаҳар ва Республика олим-пиадларида қатнашиб, фахрли ик-кинчи ўринни эгаллади. 2003 йил-нинг баҳорида тиришқоқ ва уқуви

онамининг хизматларини оқлаш, уларга муносиб фарзанд бўлиш учун яна ҳам яхшироқ ўқишни, кела-жада адолатпарвар, ҳалол ва ҳақгўй ҳуқуқшунос судья бўлиш-ни ният қиламан», — деб жавоб берди.

Ферузахон ҳозирда Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот марказининг жамоатчи муҳбири. Унинг жиноятчиликка қарши қаратилган мақо-лалари мунтазам «Оқшом» ва «Огоҳ» га-зеталарида чоп этилмоқда. Ёшликдан ҳар соҳа-нинг билимдони бўлиш-га интилган Ферузахон яқинда яна бир катта му-кофотга — Зулфия номи-даги Давлат мукофоти-га сазовор бўлди ва адабиёт йўналиши бўйича шаҳар-да биринчиликни қўлга киритиб, республика бо-сқичига йўлланма олди.

— Мен жуда-жуда бахтиёрман, — дейди бу ҳақда қолибанинг ўзи, — интилганга толе ёр деб бежизга айтилмаган экан, ўшбу мукофот мени ўз устимда кўпроқ ишлаш-га, интилишга, изланишга чорлай-ди.

Биз ҳам озод юртнинг порлоқ келажиги йўлида парвозга шайлан-ган, ойдин орзулари ўзига йўлдош бўлаётган Ферузахон Умурузо-кова янада катта муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Ёшлар — келажагимиз ОЙДИН ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

Бугунги кунда иқтидор-ли, истеъдодли, чуқур би-лимли ёшлар сафи тобора ортмоқда. Илмга интилган, тиришқоқ, зеҳли, кенг та-факкурли ёшларни кўрганда эса беихтиёр Юртбошимиз-нинг «Ўзбекистон келажи-ги ёшлар қўлида» деган сўзла-ри ёлга туслади.



талабанинг «Япроқ шивир» деб номланган илк шешрий тўплами дунё юзини кўрди ва шу йили «Энг яхши китобхон» кўрик-танловининг республика босқичи қолиби бўлди.

Қалбиди бир олам эзу мақсад ва ниятлар мужассам бўлган Ферузахонга шунча ишларга қандай улгу-рясиз деб савол берганимизда, у камтарлик билан жилмайди ва:

«Яна мўлжалда қанча юмушлар турибди. Давлатимизнинг биз ёш-ларга кўрсатаётган ғамхўрлиги, яра-тилаётган шарт-шароитлар, ота-



Сарҳисоб

САМАРАЛИ КЕЧДИ

Дилором АЛИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти директори:

— Ҳар бир инсон эски йилни кузатар экан ортага бир назар ташлаб, ўтган йилни сарҳисоб қилиши ке-рак. Якунига етган йил мамлакатимиз ҳаётида буюк ўзгаришлар, беқиёс ютуқларга эришилган самарали йил бўлди. Айниқса, йил якунида қувончли воқеалар кетма-кет содир бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Жум-ладан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси-нинг 60 йиллиги Вазирилар Маҳкамасининг қарорига кўра кенг миқёсда нишонланди. Шунингдек, Ўзбеки-стон Фанлар академияси билан бир вақтда, унинг тар-кибидаги Тарих институтининг ташкил этилганига ҳам 60 йил тўлди. Институтимиз мана шу 60 йил ичида жуда катта йўлни босиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори тарих фанининг вазифаларини стратегик жиҳатдан ўзгартириш учун асос бўлди. Кейинги йилларда ин-ститут мамлакатимиздаги барча тарихчиларни ўз ат-рофида бирлаштириб, том маънода илмий тадқиқот-ларни мувофиқлаштирувчи ўзига хос марказга айлан-ди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, институт АҚШ ва Буюк Британиянинг етакчи илмий марказлари билан биргаликда 4 та йирик халқаро грантнинг ишти-рокчисига айланиб халқаро эътирофга сазовор бўлди. Ўтган давр мобайнида институт олимлари томонидан Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти би-

лан боғлиқ илгари маълум бўлмаган ва ўқилмаган жуда катта миқдордаги қўлёзмалар илмий муомалага кири-тилди. Археология соҳасида Ўзбекистон заминиди энг қадимги маданият тараққий этгани ва у ривожланган цивилизациянинг маҳсули эканлигини кўрсатишга имкон берадиган муҳим кашфиётлар амалга оширил-ди.

Булардан ташқари ўтиб бораётган 2003 йил шах-сий ҳаётимда ҳам қувончли ва омадли йил бўлди. Ҳукуматимиз томонидан «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирландим. Бу юксак мукофотни катта ҳаяжон билан қутиб олдим. Ўшбу мукофотни нафақат менга, балки мен раҳбарлик қилаётган Тарих институти фа-олиятига берилган баҳо деб биламан. Яна бир қувон-чли воқеа — набиралик бўлди. Бу оиламизда қўшалоқ қувончли воқеалар ҳаётимизда унутилмас бўлиб қо-лади, албатта.

Энди келгуси йилдан ҳам умидимиз катта. Прези-дентимиз янги 2004 йилни «Меҳр ва мурувват йили» деб номлаганларидан жуда хурсандим. Мен Янги йил-да шунини қилардимки, ҳар бир инсон уйда, ишда, кўчада бир-бирига эътиборли бўлиши, ёрдам бериши, аччиқ гаплардан ўзини тийиши, кек-саларга қўмак бериши керак деб ўйлайман. Янги йил барча ҳамюртларимиз учун омад ва бахт, қувончларга тўлиқ йил бўлсин.

Муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов 2004 йили мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилаётганда айнан Конституцияимизнинг шу — 64-моддасидан келиб чиқди, бошқача айтганда, халқнинг диққат-эътиборини шу модда ижросини кучайтириш ва амал қилишга қаратди.

Бу — Юртбошимиз сиёсати учун ўзига хос алоҳида хусусиятидир.

«Меҳр ва мурувват деганда, биз аввало, жамиятимизда меҳр-шафқатта муҳтож бўлган ногиронлар ва етим-есирларга, бева-бечораларга, боқувчиларидан жудо бўлган, ёлғиз яшаётган одамлар ва кексаларга ғамхўрлик кўрсатишни тасаввур қиламиз... кириб келаётган йили: Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилишимиздан мақсадимиз — одамларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотишни давом эттириш, айниқса фарзандларимизда ҳам шундай ноёб фазилатларни камол топтириш, бу хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантиришдан иборатдир» — дея Юртбошимиз томонидан таъкидланиши бежиз эмас.

Сабаби ўзгалар ёрдамига зарурат сезганларга имкон қалар моддий ва маънавий ёрдам, тасалли бериш аждодларимизнинг асрий озулари бўлган.

Бу борада Алишер Навоий ҳазратлари «Маҳбуб-ул қулубда» «...Сахйилик (қўли очиклик) кишилик боғининг ҳосилдор дарахтидир, балки у дарахтининг ширин мевасидир, одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси, балки у тўлқин дарёсининг гавҳаридир... Яхшилик (карам) ва ҳаёт чиқариш тўғрисида яхшилик (карам) бир жабрланганининг қаттиқчилиги юқини кўтармоқ ва уни ўша қийинчиликдан қутқаришлиқдир. Карам бировининг машаққат тикани оғирлигини кўтармоқ ва уни тикан учидан гўлдек очилмоқ ва қилинган ишни қайтиб тилга келтирмаслик, оғизга олмаслик, кишига миннат қилмаслик ва унинг юзига солмаслиқдир.

Карам ва мурувват ота-оналардир, вафо ва

ҳаё икки эгизак фарзанд...» дейишлари бугунги кунда ҳам миллий қадриятларимизга мос келади.

Меҳр ва мурувват кўрсатиш аввало нафақат моддий ёрдамга муҳтож, меҳр-шафқат, маънавий кўмакка зарурат сезган кексалар, ногиронлар, ширин сўз, илиқ муомалага зор етимлар,

хайрли ишлар маҳаллаларда, қишлоқ, овулларда фуқароларнинг нафақат кўз ўнгига, одамларнинг ички дунёсига ҳам ижобий таъсир ўтказганини таърифлашнинг ҳолати бўлмаса керак.

Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев маҳалласида кам таъминланган ва кўп

2004 — Меҳр ва мурувват йили

САХОВАТПЕШАЛИК — МАРДЛИК, САХИЙЛИҚДИР

Мурувват сўзининг мазмун-моҳияти мардлик, жасурлик, одамгарчилик, сахйилик, меҳр сўзи офтоб, муҳаббатдир.

Бош Қонунимизнинг миллийлиги шундаки, унда «Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради» (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 64-модда) дея таъкидланиши бағри кенг, болажон, сахий халқимизнинг ўзига ҳослигини эътироф этади.

ота-она эътиборидан қолган болалар, ёлғиз кишилар ҳолидан хабардор бўлиб боришдир.

Мутафаккир олим, шоир Умар Ҳайём айтгандек:

Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод,

Яхшидур ер юзин қилгандан обод.

Агарда бир дилин қул қила олсанг,

Яхшидур юз қулни қилгандан озод.

Мурувват — мардликдир. Мурувватпешалик ўзи яшаётган ҳудуддаги бузилган кўприкни таъмирлаш, ёмон бўлиб кетган йўлларни тузатишга бош-қош бўлиш, халқимиздаги яхши удум, ариқларни тозалашда, қазинида, иморат қуришда ҳашарлар уюштириш каби ижобий ҳислатларимизни тиклашдир.

2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши халқимизнинг удумлари, руҳ-табиатига ҳар тарафлама мос қарор бўлди. Жорий йил давомида амалга оширилган ижобий,

ватпеша ишларни маҳалладагилар, айниқса оқсоқолдан яхши биладигани бўлмаса керак.

Саховат ва ҳиммат тўғрисида ҳазрати Навоийнинг яна бир ҳикматли сўзларини келтириш жоиздир «Исрофгарчилик сахйилик эмас, соғуришни бемаъни одамлар сахйилик демас...

Фахрланиш учун бермоқ ўзини кўрсатишлик ва бу билан ўзини сахий деймак беҳаёликдир...

Битта нонни икки бўлиб, ярмини бир очга берганини сахий дегил, ўзи емай борини муҳтожга берганини аҳил дўст дегил».

Бу сўзлар изоҳга муҳтож эмас, балки кони ибратидир. Мурувватпешалик қилиш самимий бўлсин.

Ақром АҚМАЛОВ,

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлими мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент.

КЎНГИЛАРИ ШОД БЎЛДИ

Қадами қўлғу келаётган Янги йилимиз бир-биримизга меҳр-оқибат, мурувват, саховат кўрсатиш каби фазилатлар акс этадиган йил бўлиши муқаррар. Албатта бу борада маҳаллаларда олиб борилаётган тадбирлар шу мақсадга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир.

Яккасарой туманидаги «Конституция» маҳалласида 2004 — Меҳр ва мурувват йили муносабати билан «Обод маҳалла йили» дастурида кўзда тутилган мақсадларнинг мантиқий давоми сифатида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида хайрли ишлар бошлаб юборилди. Хусусан маҳалла ҳудудига жойлашган муассаса ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилди. Унга асосан яқинда маҳалла ҳудудига жойлашган корейс миллатининг «Мангу ҳаёт черкови» томонидан маҳалла жамоғармасига 70 минг сўм миқдорда маблағ ажратилди. Шунингдек маҳалладаги

кам таъминланган оилалардан жами 40 кишига озиқ-овқат маҳсулотлари ва 50 нафар кичкинтойларга Янги йил совғалари топширилди. — Халқимиз бағри кенг, саховатли, меҳр-мурувватли. Буни маҳалламиз мисолида гувоҳи бўлиб турибмиз, — дейди маҳаллада истиқомат қилувчи Фотима Тоғаева. — Маҳалламиз томонидан кам таъминланган оилаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш бир неча йиллардан буён яхши анъанага айланган. Бу ғамхўрликдан беҳад миннатдоримиз. Кўпинча байрамларимиз арафасида мана шундай саховат кўрсатилиши биздек нафақахўр, кўп болали оилаларга катта

ёрдам бўлмоқда. Меҳр-мурувват, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак бериб келаётган барча сахийқалб инсонлар орамызда кўпайсин илоҳим. Яхшиларни Оллоҳ ҳам сийлайди албатта.

Ҳақиқатан эзгулик, меҳр-оқибат бор жойда фойз-барақа, фаровонлик бўлиши аниқ. Халқимиз қадимдан савоб ишларга қўл уриб келган. Президентимиз ҳам «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» деб бежиз айтмаганлар.

Гулнора ҲАМИДОВА
СУРАТДА: «Конституция» маҳалласида болаларга Янги йил совғалари топширилмоқда.



Янги йил орзулари

ҲАМЖИХАТЛИК САМАРА БЕРАДИ

• Абдулазиз ТУРОНХЎЖАЕВ, Ҳамза туманидаги «Меҳр-Турон» уй-жой мулкдорлари ширкати бошқаруви раиси:

— Жорий йилда пойтахтимизда «Энг яхши ширкат» номига сазовор бўлиб, диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирландик. Бу ширкатимизнинг келгусида кўп қаватли уйлардаги хонадон аъзолари билан янада ҳамжиҳатлик билан феолият кўрсатишга, коммунал соҳадаги ислохотларни амалга оширишда муҳим ҳисса қўшишга, уйларда яшовчилар ўртасида меҳр-оқибат, мулкка муносабат туйғуларини оширишда янада ғайрат кўрсатишга чорлайди.

Янги йилда орзу-ўйларимиз кўп. Ўйларимиз атрофини гулу гулзорга айлантириш, яшовчиларга қулайликлар яратиш, болалар учун бoғ барпо этишни режалашганимиз. Буларнинг барчасига тасарруфимиздаги 33 та уйда истиқомат қилувчилар билан ҳамжиҳатликда эришамиз. Ўйлаймизки, Янги йил ширкатлар ҳаётида ҳам янгилик ва яхшилик йили бўлади.

ҚУВОНМАЙ БЎЛАДИМИ!

• Гулчеҳра МАҲМУДОВА, тадбиркор:

— Янги йил, насиб этса менинг тадбиркорликдаги ишларим ривожига муҳим йил бўлишига ишонаман. Чунки кириб келаётган йилдан умидларим катта. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилда чиқарилган тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишдаги бюрократик тўсиқларга, беҳуда вақт сарфлашларга, сансалорликка барҳам берувчи қарори мен учун айни мудоао бўлди. Ўз хусусий цехимни очиб, тикув маҳсулотлари тайёрлашни бошлаб юбордим. Насиб этса, Янги йилда ички бозордан ўз маҳсулотларим билан муносиб ўрин эгалламан.

Пойтахтимиз кўрки

МЕҲМОНХОНАЛАР

Кечагина ўз якунига етган йилда Тошкентда қад ростлаган ва қайта қурилган иншоотлар қаторида, айниқса замонавий, жаҳон андозалари даражасидаги меҳмонхоналарнинг ўрни алоҳидадир. Уларда меҳмоннавоз халқимизнинг юксак диди яна бир бор намоён бўлди.

Пойтахтимизда май ойида ўтказилган Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши мажлисида катта тайёргарлик кўрилиб, унинг иштирокчиларини янги чирой очган меҳмонхоналаримиз ўз бағрига олди. «Гранд Мир» (аввалги «Россия») меҳмонхонасини қуриш учун Туркиянинг «Демир груп» компанияси билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этилди. Нисом жамғармаси 4 миллион АҚШ долларига яқин мазкур қўшма корхона томонидан қисқа фурсатда эски меҳмонхона ўрнида кўркам 7 қаватли, 126 номерли, уч ресторан ва бошқа қулайликларга эга

4 юлдузли меҳмонхона барпо этилди.

Айниқса, «Тошкент» меҳмонхонасининг кўриниши ўзгача қиёфа касб этиб, қайта бунёдкорликдан сўнг «Ле Меридиан — Тошкент палас» номини олди. 260 номердан иборат тўрт юлдузли ушбу меҳмонхонани қуришда Туркиянинг «Айсель» компанияси муносиб улуш қўшди. Хусн ва таровати шаҳримиз чиройини янада очган ушбу масканда меҳмонлар учун барча қулайликлар муҳайё этилган.

«Дедеман—Силк Род Тошкент» (илгариги «Дўстлик») меҳмонхо-

наси 206 номердан иборат бўлиб, унинг қулай жиҳозланган хоналари, ресторан, бар, спорт-соғломлаштириш маркази, сув ҳавзаси талаблар даражасида. Ушбу тўрт юлдузли меҳмонхона бунёд этишда Туркиянинг «Апеас» компанияси билан тузилган қўшма корхона қурувчилари шижоат кўрсатди.

Амир Темур кўчасида қад ростлаган янги меҳмонхона эса «Радиссон—САС—Тошкент» деб номланди. Барча қулайликларга эга бўлган ушбу меҳмонхона 6 қаватли бўлиб, 141 номерга эгадир. Уни «Айсель» қурилиш фирмаси бунёдкорлари қуришди. Ресторан, бар, сауна, спорт клуби, иккита конференция зали талаблар даражасида жиҳозланди.

Ушбу меҳмонхоналар фақатгина юртимизга кўрк бўлибгина қолмай, мамлакатимизда янги соҳа — меҳмонхона бизнеси шаклланаётганидан дарақдир.

Дилноза ГИЁСОВА
СУРАТЛАРДА: шаҳримизда 2003 йилда қад ростлаган меҳмонхоналар.



Сухбатдошимиз хушмуомала, камтарин, самимий, муҳими гапга чечан инсон. Чекмайди. Ичади, фақат чой. Юрмайди, йўғе, кечирасиз юради. Керак бўлса чолиб ҳам кетади. Қаҳвани ёқтирмайди. Ёқтирган машғулоти — ўзининг таъбири билан айтганда пул санаиш. Доллар бўлса ундан ҳам яхши. (Ҳазил) Футболни жони дилидан яхши кўради. «Футбол ўйнаган одам қочиб ҳам уста бўлади», дейди қаҳрамонимиз. Дарвоқе, йигит кишига етмиш ҳунар ҳам оз дейишди. Бизнинг қаҳрамон етмиш ҳунарни биладимиз, йўқми, бу бизга қоронғикуя, аммо у камида 4-5 ҳунарни пухта эгаллаганлиги рост гап. Ким ҳақида сўзлаётганлигимизни пайқадингизми, азиз газетхон? Адашмадингиз, сухбатдошимиз эл-юртнинг хизматида доимо камарбаста қизикчи, актёр, бадий сўз устаси Ўткир Муҳаммадхўжаевдир. Шунингдек, Ўткир моҳир пазанда ҳам экан. Унинг бу янги қирраси кечагина поёнига етган йилда «шум бола» Абдурайим Абдуваҳобовнинг «Очил дастурхон» кўрсатуви орқали ошкор бўлди-қўйди. Абдурайим акага унча-бунча таом ёқавермаслиги аниқ. Аммо у киши Ўткир тайёрлаган овқатни мактаб-мактаб, иштаҳа билан паққос тушириларки, ишонмай иложимиз йўқ. Дарвоқе, «Денгиз жанги» лотереясида Ўткиржон кема капитани ролини шу даражада қойилмақом қилиб бажарганки, ҳақиқатан ҳам у ҳарбий хизматни денгиз флотига ўтаганини деб ўйлайди киши. Хуллас гапираман деса гап кўп. Ўткирнинг Янги йил режалари ҳақида, унинг мухлисларга тайёрлаган «сюрприз» ҳақида сухбатимиз давомиди билиб оламиз.

Дилмашув

ГАПГА ЧЕЧАН АКТЁР

— Кема капитани сифатида «Денгиз жанги» лотереясида бошловчилик қилгансиз. Ростини айтгинчи, шу кунгача неча киши қимматбаҳо ютуқлар соҳибига айланди?

— Ютуқлар ўз эгаларини тоғди, аммо маълум сабабларга кўра «Денгиз жанги» тўхтаб қолгани чакки бўлди-да. Навоий вилоятида яшовчи муҳлисга Таиланд давлатига саёҳат учун йўланма чиптаси ютуқ сифатида чиққанлигини эслайман. Аммо у киши чиптани олмай, нақд бир миллион икки юз минг сўм пулни санаб олди. Шуниси қизикчи, пулни санаб бераётганимда мазам қочиб қолган (ҳазил).

— Қизикчилик касбига ҳавас сизга Ботир акадан ўтган бўлса керак ёки адашдимми?

— Дарҳақиқат, менга нокамтарликка йўлману Ботир акам, Обид, Собит акалар, Тўхтамурод ва Собтавой акалар санъати жуда ёқди.

